АХБОРОТ ТАҲДИДИНИ БАРТАРАФ ЭТИШ ТАМОЙИЛЛАРИ ВА ДАРАЖАЛАРИ

У.Л.Ёзиева

Мақола умумий ўрта таълим муассасалари ўқувчиларига бўладиган ахборот таҳдиди ва уни бартараф этишни таъминловчи ҳимоя механизмлари, ахборот таълим муҳитини тузиш зарурати, ахборотлардан ҳимояланиш тамойиллари ва даражалари муаммосига бағишланади.

Калит сўзлар: *ахборот таҳдиди, таълим, тарбия, ворисийлик, мажмуавийлик, ҳимоя объекти, очиқлилик, қонунийлик.*

В статье речь идет о проблеме информационной угрозы учащимся и необходимости создания информационно-образовательной среды в общеобразовательных учебных заведениях, механизмов, принципов и уровней защиты учащихся от вредной информации.

Ключевые слова: *информационная угроза, образование, воспитание, преемственность, комплексность, объект защиты, открытость, законность.*

The article deals with the problem of information threats to students and the need for creating information-educational environment in general educational institutions, mechanisms, policies and levels to protect students from harmful information.

Keywords: *information threat, fundamentals, education, succession, complexity, science, the object of protection, the degree of frankness conceptually-political, regularity, regulatory, program-technical.*

Постмодерн жамият шароитида ахборотнинг ижтимоий аҳамияти мутлақо ўзгарди. Ахборот бугунги кунда маълумотлар йиғиндиси ёки билимлар мажмуидан иборат бўлмай, у ёки бу системани бошқариш имконини берадиган миқдорий меъёр, гиосиёсий ва стратегик ресурсга айланди. Айнан шунинг учун ҳам, айтайлик, АҚШ ялпи ички маҳсулотининг 40 фоизи ахборот ишлаб чиқариш соҳасига тўғри келмоқда [1]. Иккинчи томондан эса, ахборот инсон маънавий қиёфасини тубдан ўзгартиришга қодир бўлган қудратли омилга айланиб бормоқда. Масалан, “ахборот портлаши” АҚШда шизофрения билан касалланганлар сонини ҳар минг кишига 7,2 га етказди [2]. Ахборот олиш имкониятларининг кенгайиши шахснинг компьютерга тобелигини оширмоқда, мулоқот доирасини торайтирмоқда, ёлғизликка маҳкум этмоқда. Боз устига, янги аср бошларидаги геосиёсий рақобат ва руҳий манипуляция шакллари ҳам, асосан, ахборот воситасида амалга оширилмоқда. Илмий манбаларда ушбу тенденциялар “ахборот таҳдиди” тушунчаси ёрдамида ифодаланмоқда.

Ташвишли жиҳати шундаки, аксарият ҳолларда айнан ёшлар, хусусан, ўқувчи ёшлар ахборот ҳужуми таъсири остига тушиб қолмоқдалар. Ахборот оламида негатив характердаги ахборотлар ҳажмининг кенгайиб бораётгани эса вазиятни янада чигаллаштирмоқда. Вужудга келган вазиятда ўқувчи ёшлар маънавий оламини ахборот таҳдидидан ҳимоялаш масаласи педагогиканинг энг долзарб муаммоларидан бирига айланмоқда [3]. Шу муносабат билан ахборот таҳдидини бартараф этиш тамойиллари ва даражаларини муфассал аниқлаш зарурияти туғилмоқда.

Ўқувчиларни ахборот таҳдиди ва уни бартараф этиш асосларига ўргатиш таълим тамойилларига таянган бўлиши лозим. Ўқувчиларга ахборот таҳдиди ва уни бартараф этиш асосларига ўргатиш жараёнида изчилликнинг таъминланишини тадқиқ этиш натижасида узлуксиз таълимда унинг методик тизимдаги контурлари кўрсатиб берилган [4].

Ўқувчиларга ахборот таҳдиди ва уни бартараф этишни таъминловчи тамойиллар деганимизда, биз болаларни салбий ахборотлардан самарали ҳимоялаш мақсадида амалга оширилиши лозим бўлган тадбирлар, рўёбга чиқариладиган асосий ғоялар ва татбиқ қилинадиган муҳим тавсияномаларни тушунамиз.

Ўқувчиларга таъсир кўрсатувчи ахборот таҳдиди ва уни бартараф этишни таъминловчи асосий тамойилларни қуйидагича ифодалашимиз мумкин:

1. *Барча манфаатдор томонларни бирлаштириш тамойили*. Ушбу тамойил ўқувчиларга бўладиган ахборот таҳдиди ва уни бартараф этишни таъминловчи барча субъектлар: давлат, жамиятдаги ижтимоий институтлар, жамоатчилик ташкилотлари, ота-оналар, педагогик ҳамжамият мақсадининг умумийлигини ифодалайди. Мақсаднинг умумийлиги болаларни ҳимоялаш йўлида барча ҳаракатларни бирлаштиришни талаб қилади. Шу билан бирга давлат учун алоҳида, унинг имконият ва ресурслари билан аниқланадиган бошқарув роли тайинланади.

2. *Узлуксизлик, узвийлик ва мажмуавийлик тамойили*. Бу тамойил ҳар бир ўқувчининг бутун ҳаёти мобайнида ахборот оқимлари билан қамраб олинганлигидан келиб чиқади. Масалан, ўқувчини фақатгина умумий ўрта таълим мактабида хавфли контентдан ҳимоя қилиш зарур, деб ҳисоблаш хато бўлади. Бу тамойил болани ахборот муҳитида зарарли ахборотлардан ҳимоя қилиш учун, уларнинг ёшини,

ўзига хос психологик томонларини эътиборга олган ҳолда чоралар мажмуасини кетма-кет амалга оширишни назарда тутади. Болаларни зарарли ахборотлардан ҳимоя қилиш учун барча ҳимоя шаклларидан тўлиқ ва атрофлича фойдаланиш лозим бўлади. Алоҳида шакл ва техник воситаларни татбиқ этиш мақсадга мувофиқ эмас. Ҳимоянинг мажмуавийлик тавсифи ўзига хос ҳодиса бўлиб, у мураккаб тизимни ташкил этувчи ўзаро узлуксиз боғлиқ жараённи намоён қилади, улар ўз навбатида бир-бирини тўлдирувчи томонларга, хоссаларга, анъаналарга эгадир. Таълим муассасасининг хавфсизлигини таъминлаш бир маротабалик тадбир эмас, у кундалик ҳаётимиз давомида амалга ошириладиган доимий ва узлуксиз жараёндир. Таълим берувчи муассасалар фаолиятига кўра мураккаб объект бўлиб, уларда кутилмаган вақтда, эътиборга олинмаган ахборотлар таъсирида хавф пайдо бўлиб қолиши мумкин.

3. *Илмийлик ва методик қўллаб-қувватлаш тамойили*. Хавфсизликни таъминлаш нафақат харажатларни, балки биринчи навбатда билимлар, аниқ тасаввур ва тайёргарлик ҳамда илмий-методик тавсияномаларни ҳам талаб этади. Хавфсизлик юзасидан шахсий механизмларни ва ҳимоя тизимларини кашф қилишга вақтни беҳуда сарфлаш керак эмас. Чунки ахборот хавфсизлиги марказлари ишончли ва унчалик қиммат бўлмаган, лекин хавфсизликни таъминлаш бўйича кўп муаммоларни ҳал қиладиган техник ҳимоя воситаларини тавсия қилиши мумкин. Масалан, ота-оналар учун методик маслаҳатлар тўплами, қўлланма ва дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда уларни таъминлаш.

4. *Очиқлилик тамойили* – ўқувчи шахсининг ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича кенг маънода ахборотнинг йўналтирилиши ота-оналар, ўқитувчилар, профилактика ишларини олиб борувчи ижтимоий соҳа ходимлари учун болага таҳдид этувчи хавфларнинг турлари кўрсатилган методик тавсияномаларни ҳамда ахборот ресурсларини тузиш.

5. *Оддийлик тамойили ва ҳимоя воситаларини қўллаш*. Фойдаланувчилар учун ҳимоя механизмларини татбиқ этиш оддий ва тушунарли бўлиши лозим. Қачонки фойдаланувчи учун ҳимоя механизмлари билан ишлаш енгил бўлса, ҳимоя самарали ҳисобланади. Ҳимоя воситаларидан фойдаланиш қандайдир махсус тилларни билишни тақозо этиши ёки қўшимча меҳнат талаб этадиган ҳаракатларни бажариш билан, масалан, дастурлаш тилини ўрганиш билан боғлиқ бўлмаслиги лозим.

6. *Ўқувчи учун ахборот хавфсизлиги муҳитини уйда ва мактабда ташкил этиш имкониятини яратиш тамойили*. Бу тамойилга асосан хавфсиз ахборот-таълим муҳити дастурий воситалар, ҳимояланиш усуллари билан таъминланиши шарт. Бундай муҳит ўқувчи шахсининг хавфсизлигини таъминлаб, унинг индивидуал қобилиятларини рўёбга чиқарган ҳолда тўлиқ ва атрофлича ривожланишини амалга оширади.

7. *Келгусида инсон ҳаётини ҳимоялашни мукаммаллаштириб бориш тамойили*. Ахборот технологияларининг ривожланиб бориши баробари инсон ҳаёти ва маънавиятига салбий таъсир этувчи омилларнинг кўпайиши натижасида ушбу тамойилни ишлаб чиқиш зарурати пайдо бўлади. Айниқса, мавжуд ахборот ҳимоя воситаларини янгилаш ва мукаммаллаштириб бориш имконияти туғилади.

Юқорида қайд этилган тамойиллардан фойдаланувчиларнинг ахборот таҳдидидан ҳимояланишининг бешта даражасини ажратиб кўрсатиш мумкин:

1. *Концептуал-сиёсий даража*. Бу даражада ахборот таҳдиди ва уни бартараф этиш соҳасида давлат сиёсатининг аниқ йўналиши бўйича меъёрий ҳужжатлар қабул қилинади ҳамда уларни амалиётга татбиқ этиш учун барча субъектларнинг мақсад ва вазифалари аниқланади. Қўйилган мақсадни амалга ошириш йўллари, механизмлари ва воситалари белгилаб олинади.

2. *Қонунийлик даражаси*. Бу даражада ахборот хавфсизлигини таъминлаш юзасидан тизимнинг ҳуқуқий томондан фаолият ва бошқарувни амалга ошириши бўйича ҳуқуқий норматив ҳужжатлар (қонунлар, ҳукумат қарорлари ва бошқалар) қабул қилинади.

3. *Техник-нормативлик даражаси*. Бу даражада ахборот таҳдидини бартараф этишни таъминлаш юзасидан бошқарув ва методик материаллар ҳамда ҳужжатлар, воситаларни татбиқ этиш ҳамда ишга тушириш бўйича стандартлар ишлаб чиқиш амалга оширилади. Ахборот технологиялари соҳаси миллий ва халқаро стандартларга мослаштирилади.

4. *Маъмурий даража*. Аниқ таълим муассасаси доирасида хавфсизликни таъминлаш бўйича тадбирлар амалга оширилади. Унинг асосида ахборот хавфсизлиги соҳасидаги ўқув муассасаси стратегиясини аниқлайдиган, ташкилотнинг хавфсизлигини таъминлаш сиёсати ҳамда тизим фаолият юритиши учун ахборот хавфсизлигини мажмуавий таъминлаш бўйича ажратиладиган ресурслар ҳажми ётади.

5. *Дастурий-техник даража*. Бу даража ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича ҳам дастурий, ҳам техник воситалардан фойдаланишни назарда тутади. У ёки бу воситадан фойдаланиш ҳимоя қилинаётган объектнинг техник имконияти ва аниқланган таҳдид билан бевосита боғлиқ.

Шундай қилиб, ўқувчиларда ахборот таҳдиди ва уни бартараф этишни таъминлаш – замонавий қарашлар тизими, ғоялар, мақсадли йўналишлар, умумий ҳолатлар, тамойиллар ва назарий ҳолатларни жамлаш ҳамда ҳаётга татбиқ этиш орқали амалга оширилади.

Юқорида қайд этилганларнинг барчаси давлат, жамият ва шахс хавфсизлигини таъминлашни амалга оширишда методологик асос бўлиб хизмат қилади.

Адабиётлар:

1. Яковец Ю.В. История цивилизации. – М., 1997.- 24 с.
2. http//www. Pravoslavie.ru/jurnal/031110122623.
3. Yoziyeva U. Pedagogical conditions for information security of students. Europian Journal of Reflection in Educational Sciences (EJRRES) Vol.3 No.3, 2015, p. 49.
4. Бочаров М.И. Комплексное обеспечение информационной безопасности школьников // Применение новых информационных технологий в образовании.- М., 2009.- С.39-46.

Қарши давлат университети,
2016 йил 5 майда қабул қилинган
(Тақризчи: проф. Т.Ҳасанов)